



## ОИЛА АСОСИЙ ВА ЯГОНА ТАРБИЯ ЎЧОҒИ.

Султонов Абдурахим

Гулистон давлат университети доценти в.б.

**Аннотация:** Бугунги глобал ривожланиш даврида фарзандларимиз биз хохлаган, биз кутаётган феъл-атворни, муомалани, биз орзу қилган одоб ва хулқни, тарбияни намоён этишмаётганлигининг асосий сабаби – келажагимиз ворислари оилада, дастурхон атрофида, ота-оналаридан, бобо ва бувиларидан керакли тарбияни, ибратли ривоятларни, ҳикматли сўзлар, мақол ва маталларни тингламаётганликларидандир. Кўпчилик ота-оналар фарзандларининг намунали тарбия ва таълим олишлари билан шуғулланиш ўрнига уларнинг келажаги учун, ўқишга киритиш, уйли-жойли қилиш ва бошқа рўзғор ташвишлари сабаб узок юртларга, хорижий давлатларга бориб ишлаб юришга мажбур бўлишяпти. Ота-она агар билимли ва саводли бўлмаса, ундай оилада билимсизлик оқибатида тарбия ҳам тубанлашиб бораверади.

**Калит сўзлар:** Ибратли ривоятлар, Муқаддас китоблар, китоб, муסיқа, музатерапия, мақом хонандалиги, миллий ижрочилик, ҳикматли битиклар.

Фарзандларини тўғри тарбиялаш учун ота-оналар энг аввало ўзлигимизни, тарихимизни, миллий урф-одатларимизни, кадриятларимизни, аждодлариздан бизга мерос бўлиб етиб келган муסיқа санъатимиз дурдоналарини, бадий асарларни, улардаги тарбияга, муомалага, ота-онага, катталарга, кичикларга кўрсатиладиган муносабат масалаларини яхши билишлари лозим. Муқаддас китобимиз Қуръони Карим оятларини, Ҳадиси Шарифда келтирилган фарз ва суннат амалларни, ҳамда бажарилиши шарт бўлган мажбуриятларнинг масъулиятини чин дилдан хис қила билишлари керак. Агар оилада тарбия мукамал даражада бўлмаса, умумтаълим мактабларида, олий таълим билим масканларида берилган таълим ҳеч қачон рисоладагидек бўлмайди. Яъни алломаларимиз таъкидлаганларидек “**Ёмон гуручдан мазали ош тайёрлаб бўлмайди**”.



Тарбия оиладан бошланади, ҳамда доимий равишда, узлуксиз олиб борилади, сўнгра умумтаълим мактабларида шаклланиб боради. Абдулла Қодирийни, Усмон Носирни, Чўлпону - Фитратларни элимизга берган оилалар ўзимиздан, ўз халқимиздан чиқишганку. Халқимизга илм ва маърифатни тарқатган бу ижодкорлар ўтган 20-асрда ўзларининг ўлмас асарлари билан ўзбекнинг маънавиятини, маданиятини, урф-одатларини, оиладаги ибратли тарбия йўриқларини аниқ кўрсатиб берганлар. Отабек ва Кумушларнинг ўзаро суҳбатлашиш маданияти ҳар бир ёш авлодга ибратли тимсоллардир. Шунинг учун ёшларимиз “Ўткан кунлар” романини албатта ўқиб чиқишлари шарт. Китоб ўқилмайдиган оилада тарбия ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас. **Китоб - энг яхши тарбия воситаси.**

Уйларида, дастурхон атрофида Муқаддас китобларимиз Қуръони Карим оятларидан, Ҳадиси Шариф ҳикматларидан суҳбатлар қиладиган оилалар қандай яхши оилалар. “Қобуснома”ни ўқиган ва билган ота-оналар бу ибратли панд-насихатлардан албатта фарзандларини ҳам баҳраманд қилишлари керак. Бу Муқаддас китоблар ҳар бир ўзбек оиласида бўлиши зарур. Бу китобларнинг ичидаги ҳикматларнинг маъноларини фарзандларга ибрат қилиб ўқиб берилса, айти муддао бўлар эди. Агар фарзанд тарбияси Ислом дини қонун қоидалари асосида олиб борилса, ота-онага, каттаю-кичikka, аввало устозларга ҳурмат, эҳтиром биринчи ўринда бажарилиши таъминланади. Шунингдек, китоб ўқиладиган оилада фарзанд бу китобларда зикр қилинган гуноҳ ишлардан, ёмон одатлардан, кўполликдан, ўғрилиқ, ёлғончилик, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилиш, чақимчилик, ғийбат қилиш, иккиюзламачилик каби иллатлардан йироқ бўлади. Аксинча, тўғри сўзлик, хушмуомалалик, одоб-ахлоқ борасида ҳаммага ибрат бўлади.

Оилада, уйда, фарзандларининг таварагида ота-оналар ўзлари қандай ҳаракатлар қилсалар, фарзандлар шу ҳаракатларни такрорлайдилар. Яъни **“Қуш уясида кўрганини қилади”**, мақоли бежиз айтилмаган. Ота уйда спиртли ичимлик ичса, сигарет чекса, фарзанд ҳам ичади, чекади. Онанинг оғзидан ҳар хил ёмон гаплар чиқиб, шаллақилик қилиб, қарғанса –эртага қизининг оғзидан ҳам боди кириб, шоди чиқади. Хуллас, оилада, уйда ота-онанинг ҳар бир ҳаракати фарзанд учун ибрат. Уйларида китоб ўқийдиган ота-оналарнинг фарзандлари албатта китоб ўқишга





қизиқишади. оила китобнинг ўрни, қадри баланд бўлса, бундай оила маърифатли, маънавиятли оила ҳисобланади. Афсуски, айрим хонадонларда китобнинг ўрни ҳам, қадри ҳам, ўқувчиси ҳам йўқ. Китоб ўқимайдиган одам ўзининг кундалик ҳаётида дуч келаётган муаммолардан, ҳар хил тўсиқлардан қандай халос бўлиш йўриғини ҳам билмайди.

Билимли, ақлли, одобли, хушмуомала ва уддабуррон-тадбиркор бўлишнинг ёлғиз давоси-китоб ўқишдир. Ота-оналар, яъни оилада тарбияни олиб борадиганлар қанча кўп асл китобларни ўқишса ва шу китоблардаги ҳикматли сўзларга амал қилишса, фарзанд тарбиясида шунча кўп билимга эга бўладилар. Халқимизда **“фарзанд азиз, одобли, тарбияси ундан азиз”** деган мақол бор. Фарзандларимиз бизларнинг дилбандларимиз, кўзларимизнинг оқу-қораси. Уларни эрқалатамиз, суямиз, яхши кўрамиз, лекин уларни ортиқча талтайтириб, гапингизга кирмайдиган, ўзини айтганини қилдирадиган, тантиқ ва боқиманда қилиб қўймаслик лозим. Яна бир **“Нимани эксанг, шуни ўрасан”** мақоли ҳам ўзи англатиб турибдики, фарзандга қандай тарбия берсангиз, яъни қандай ибрат бўлган бўлсангиз, эртага ўшанинг меваси ўзингизга қайтади.

Тарбия масалаларида буюк алломаларимиздан бизга етиб келган бир дунё ҳикматли китоблар бор. Фарзандларимизни миллий руҳда, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимизга муносиб қилиб тарбиялаш – барча ота-оналарнинг бурчи ва мажбуриятидир. Миллий руҳда тарбиялаш - бу фақат аجدодларимизнинг одоб-ахлоқ тўғрисидаги ҳикматли битикларини ўргатиш эмас, балки болаларимизни миллий мусиқа санъатимиз дурдоналаридан ҳам хабардор қилиб, миллий куй ва ашулаларимизга меҳр уйғотиб тарбиялашимиз даркор. Миллий мусиқамизнинг **“осори атиқа”**лари орқали ёшларимиз мумтоз ижрочилик санъатимиздан, устоз-хофиз, хонанда ва бастакорларимиз яратган ва ижро этган ўзбекона ашула, кўшиқлардан хабардор бўлишади. Мақомларимиз, миллий мумтоз ашулаларимиз ҳақида маълумотга эга бўлишади.

Хозирда кўплаб таниқли хонандаларимиз ҳам ўзлари ижро этишаётган мумтоз ашулаларнинг муаллифлари ҳақида, биринчи ижрочилари ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслар. Ҳазал матни, мазмуни, ундаги айрим сўзларнинг луғавий маъносини



билишмайди. Мумтоз мусиқий асарларнинг биринчи ижрочилари ҳақида, ўтган 20-асрда яшаб, ижод қилган устоз ҳофизлар ҳақида билимлари жуда саёз. Айрим ёшларимиз ўз соҳаларига оид маълумотларни билишдан кўра уст-бош, кўйлак, шим, пойафзал ва шу кабиларни харид қилишда обдан суриштириб, қайси чет давлатнинг, қайси фирманинг маҳсулоти эканлигини аниқ билиб олганларидан кейингина сотиб олишади. Ваҳоланки, хонандалар ўзлари ижро этаётган мусиқий асарларнинг муаллифлари кимлар эканлиги, қайси бастакорнинг мусиқаси ва биринчи ижрочиси ким эканлигини билишмайди ва билишга қизиқишмайди. 20-асрнинг бошида ижод қилиган табаррук устоз-ҳофизларимиз ҳақида маълумотларга ҳам эга эмаслар.

Мақом хонандалиги йўналишида ижодий фаолият олиб бораётган ёш хонандаларимиз ўзлари ижро қилаётган ашулаларнинг ғазали матнини, унинг мазмунини, матндаги арабий, форсий, туркий сўзларнинг маъносини, ғазалнависликни, аруз, бармоқ ва мумтоз адабиётимизда мавжуд бўлган бошқа атамаларнинг маъноларини билишлари керак. Устозларимиздан эшитганмиз, - ўзбек миллий ашулачилик санъатининг тамал тошини қўйган устоз-санъаткорлар, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлар мумтоз шоирлар Навоий, Лутфий, Бобур, Нодирабегим, Огаҳий, Муқимий, Фурқат кабиларнинг ғазал ва мухаммасларига янги ашулаларни яратиш жараёнида ғазал матни ва маъноси ҳақида етарли билимга эга бўлганларидан кейингина мухлисларга ҳавола этишган.

Бугунги кунда тайёр бўлмаган ашула ва кўшиқларни ҳам сахнага олиб чиқаётган хонандалар кўпаймоқда. Аслида янгидан тайёрланган ашула ёки кўшиқни, хоҳ олдин айтилган бўлсин, хоҳ янги ижод қилинган бўлсин, албатта мақомдон-ҳофиз устозлар кўригидан ўтказиб олиш зарур. Ана шу кўрикда устозлар сизнинг камчиликларингизни, ютуқларингизни, овоздаги ва ижродаги маҳоратингизни ёки хом жойларингизни тўғрилаб беради. Шундан сўнг бу ашула ёки кўшиқ сахнага олиб чиқиб, ижро этишга лойиқ бўлади. Ҳали яхши пиширилмаган ижро билан сахнага ёки тўй тадбирларига ҳавола этилган кўшиқ томошабинлар томонидан ҳам ижобий қабул қилинмайди. Бундай ижролар хонандани мухлисларнинг назаридан қолдириши ва томошабинларнинг мусиқий савиясини пасайтириши мумкин. Хонанда ашула ёки





кўшиғини шунчаки айтмаслиги керак. Бас, кўшиғингизни томошабинларга ҳавола қилмоқчимиз, - тингловчини завқлантирадиган, ҳайратлантирадиган, уни ҳаёлот дунёсига олиб кетадиган қилиб ижро этишингиз талаб этилади.

Ўтган 20-асрда яшаб, ижод қилган устоз ҳофиз ва хонандаларнинг кўшиқларини тингловчиларга етказилишида ҳозиргидай Клип керак бўлмаган. Уларнинг ижроларини кўшиқ мухлислари тинглашлари асносида кўз олдиларига, тасаввурларига ўша ижро қилинаётган кўшиқнинг мазмуни худди Клипдагидай кўринган. Агар тингловчи хонанданинг ижросини бор вужуди билан, ҳис қилиб тингласа – хонанда ҳам кўшиқни бор маҳорати билан, юракдан ижро қилади. **“Қарс икки қўлдан”** деганларидай хонанда ёқимли овози ва юксак ижро маҳорати билан хониш қилса, мухлислар ҳам маза қилиб, хонанданинг кўшиғига кўшилиб тинглашади. Демак, хонанданинг ижроси вақтида хонанда билан тингловчи ўртасида узвий мулоқот бўлиши лозим. Хушовоз хонанданинг ёқимли хониши ва ижро маҳоратини зукко мухлислар кўшиқ усулига мос равишда бошларини тебратишиб, маза қилишиб тинглашади. Чунки, хонанданинг ёқимли овози ва юксак ижро маҳорати тингловчига ҳузур бағишлайди.

Муסיқа инсонни завқлантиради, кайфиятини кўтаради, ҳаёлот дунёсига олиб киради, ҳамда юрак, ўпка, қон томирлар ва танамиздаги барча аъзоларнинг бир маромда ҳаракатланишини таъминлайди.

Шарқнинг улуғ алломаси Абу Наср Фаробий «Ўзида ўн икки туғма ҳислатни бирлаштирган кишигина ахлоқли одам» бўлади дейди. Биз шунини айримларини сизнинг ҳукмингизга ҳавола этмоқчимиз.

1. Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукамал тараққий этган бўлиши зарурки, бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган ишларни осонлик билан амалга ошира олсин.
2. Барча масалани муҳокама ва мулоҳазани тезда ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган фикрнинг чинлигини тезда пайқаб оладиган бўлсин.
3. Хотира жуда бақувват бўлсин, кўрган, эшитган, ёзган нарсаларининг бирортасини ҳам эсдан чиқармай ёдида сақлаб қоладиган бўлсин.



4. Зеҳни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиш билан, бу аломат нимани билдиришилигини тезда билиб оладиган кишиларни мукаммал инсон деб билади.

Миллий муסיқа санъатининг энг қадимий ва шу билан бирга, халқ оmmasига кенг тарқалган, унинг турмушига чуқур сингиб кетган соҳалардан биридир. Муסיқа ҳам реал воқеликни акс эттиради. Муסיқанинг миллий маънавиятимизга таъсир кучи шу қадар каттаки, унинг ёрдамида беморларни даволаш мумкинлигини фан аллақачон исбот қилган. Улуғ аллома, Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Али ибн Сино инсонни муסיқа оҳанглари билан даволаш, яъни замонавий тил билан айтганда “Музатерапия” борасида ўзининг муסיқий рисоаларида баён қилган. Абу Али Ибн Сино муסיқанинг таъсир кучига катта аҳамият бериб, айрим руҳий касалликларни муסיқа куйлари воситаси билан даволаш мумкин деган фикрни илгари сурган эди.

Буюк файласуф Абу Наср Форобий «Катта муסיқа китоби» муסיқий асарида, муסיқа назарияси оҳангларининг турлари, келиб чиқиш сабаблари, кишига маънавий, руҳий таъсири ҳақидаги қимматли фикрларини билдирган.

Форобий муסיқа илмида фақат назарийетчи бўлиб қолмай, амалиётчи ҳам бўлган. Унинг ўзи таниқли муסיқачи, ажойиб созанда ва бастакор, янги муסיқа асбоби ихтирочиси сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Муסיқанинг ажойиб сеҳрли кучи, мўжизакор таъсири ҳақида фикр юритиб, Форобий «Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида» асарида шундай дейди: «Бу илм шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган одамни тартибга келтиради, мукаммалликка етмаган халқни мукаммал қилади ва мувозанатини сақлаб туради».

Хусусан, миллий маданиятда муסיқа юксак туйғулар, завқ - шавқли ғоялар оламини очиб беради. Одамларни маънавий жиҳатдан бой, соф баркамол қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абу Наср Фаробий, Тарбия ва одоб ҳақида, туркий ҳикматлар гулдастаси. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1982. 62-63 бетлар.
2. «Мақомот». Отаназар Матёкубов. «Муסיқа нашриёти» Тошкент. 2004 йил.